

Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти “Тиллар” кафедраси ф.ф. док. (PhD), доцент Ҳ.А. Байманов

## СИФАТ СЎЗ ТУРКУМИНИНГ ДЕНОТАТИВ ВА КОННОТАТИВ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР (НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

**Аннотация:** Мазкур мақолада немис ва ўзбек тилларидағи сифат лексемаларнинг денотатив ва коннотатив хусусиятлари таҳлилқилиниб, муроқот жараёнидаги комплимент концептининг тил тизими доирасида намоён бўладиган ва нутқ жараёнида фаоллашадиган коннотатив, денотатив ҳамда когнитив моҳиятини очилишида алоҳида аҳамият қаратилган.

**Калит сўзлар:** лексик-семантик, лексема, денотатив, коннотатив, когнитив, прагматика, комплимент, концепт, интенсив форма, грамматик хусусият.

**Аннотация:** В статье рассматриваются денотативные и коннотативные особенности имен прилагательных немецкого и узбекского языков, особое внимание уделяется выявлению коннотативной, денотативной и когнитивной сущности концепта комплимента в общении, который проявляется в языковой системе и активируется в речи.

**Ключевые слова:** лексико-семантический, денотативный, коннотативный, когнитивный, прагматика, комплимент, концепт, интенсивная форма, грамматическое качество.

**Annotation:** This article analyzes the denotative and connotative features of qualitative lexemes in German and Uzbek, and pays special attention to revealing the connotative, denotative and cognitive nature of the concept of compliment in speech.

**Key words:** lexical-semantic, lexeme, denotative, connotative, cognitive, pragmatic, compliment, concept, lexicon, intensive form, grammatical kategory.

Тилшуносликда, хусусан, қиёсий-чоғиштирма тилшунослик, лингвистик таржимашунослик соҳалари бўйича бир неча тадқиқот ишлари олиб борилишига қарамасдан, филологик билимнинг ушбу соҳасида ҳал қилинмаган муаммолар етарли. Тил инсон ва борлик ўртасидаги кўприқ, инсон оламни идрок этишидаги энг муҳим восита сифатида характерланади. Инсоннинг ўзлигини англаши, унда миллий ғурур, ифтихор каби олий туйғуларнинг қарор топишида тилнинг ўрни ниҳоятда бекиёс. Зеро, тилшунослик соҳаси мутахассисларини тайёрлашда соҳага оид немис ва ўзбек тилларида сифат лексемаларнинг қиёсий-чоғиштирма тизимини илмий асосда чукур тадқиқ қилингани, ўзбек ва хорижий тилларда умумий, хусусий жиҳатларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш кўлами ҳамда самарадорлик кўрсаткичини янада ошишига кенг имкониятлар яратади.

Жаҳон тилшунослигига белги билдирувчи лексемаларнинг тизимли аспектда чоғишириб ўрганиш таркиби ривожидаги манба – тилнинг ўз ички қонуниятлари, имкониятлари асосида янги мулоқот жараёнидаги комплимент концептининг тил тизими доирасида намоён бўладиган ва нутқ жараёнида фаоллашадиган коннотатив, денотатив ҳамда когнитив моҳиятини очилишини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мазкур ҳолат маълум эҳтиёж, зарурият туфайли амалга ошади. Шу сабабли янги сўз ҳосил қилишнинг ҳар бир жабҳаси тил тизимининг мураккаб хусусиятларидан саналади.

А. Самигуллина тилнинг таҳлили ва элементларини ўрганишда унинг асосини ташкил қилувчи томонлардан бири лексикани, иккинчи томондан грамматик қурилиш – морфология ва синтаксисни доимо бир-бирига боғлаб тадқиқ қилишнинг афзал томони, шунингдек, тилнинг деярли барча ҳодисаларига ҳам лексик, ҳам грамматик нуқтаи назардан ёндашиш маънолар узвий аниқланса, ҳар бир категорияда сўзларнинг грамматик моҳияти, мантиқий жиҳати ўз аксини топади.

Сифат категориясини таҳлил қилишда сўзларнинг биргина томонини эмас, балки лексик-семантич ва грамматик хусусиятларини назардан қочирмаслик лозим.

Мавжуд тилларда сўзларнинг туркумлар (от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш)га бўлиб ўрганилиши, уларнинг морфологик белгилари, синтактик вазифалари, прагматик ҳамда функционал-семантич хусусиятларининг реаллашувига боис бўлади.

Маъумки, сифат сўз туркуми тилларда асосан предметнинг белгисини билдирувчи сўзлар гуруҳидир. Сифатлар семантич жиҳатдан шакл, ҳолат, хусусият, маза-таъм, ҳид, ҳажм-ўлчов билдирувчи гурухарга таснифланади.

Сифатарнинг мазкур гурухлари уларнинг денотатив маъносига асосланади. Бироқ нутқий қўлланишда мазкур гурухга кирувчи сифатлари ўзларининг тури маъно қирралари билан сўзловчига кенг имкониятлар яратади. Бу эса матн таҳлилида кўзга ташланади.

Бундай сифатлар ижобий, салбий ва нейтрал ҳолатда бўлиши мумкин: а) инсоннинг ижобий характер-хусусиятига хос сифатлар: *abenteuerlustig, aufmerksam, beeindruckend* ва ҳ.к.; б) кишиларга хос салбий характер-хусусиятни билдирувчи сифатлар одатда ижобий хусусиятларни билдирувчи сифатларга антоним бўлади: *angstvoll, achtlos, böswillig, dumm, desinteressiert* ва ҳ.к.; в) характер-хусусият сифатларнинг яна шундай тури мавжудки, аниқ ва равон ижобийлик характерга эга эканлиги ёки салбийликка хослиги яққол бўртиб турмайди [3; S. 51]. Булар нутқ ҳолатига қараб, ижобийликка ҳам, салбийликка ҳам ўтиб олиш имконига эга эканлиги билан ажралиб туради: *aufregend, feinsinnig, gefühlvoll, hyperaktiv, prinzientreu, schlau, unbeugsam* ва ҳ. к.

Немис тилида сифат лексемаларнинг ўзига хос жиҳатлари, турли маъно нозикликларини ифодалаш учун хизмат қилиши унинг бошқа сўз

туркумларига оид сўзлар билан ўзаро муносабатга киришувида аниқ кўзга ташланади.

Сифатларнинг кўпроқ артикли, олмош ҳамда отлар билан бирга мослашиб келиши кузатилади [4; S. 79]. Улар бирикиб келган отларнинг маъноларига эътибор қилинса, сифат лексемаларнинг маъно нозикликлари, окказионал семаларни ифодалаш имкониятлари тобора реаллашади: *Ich selbst bin böse, doch wenn ich schön Böses tue, will ich auch die Bösen treffen.*

Келтирилган мисолларда иштирок этган бир лексик-семантик гурух(ЛСГ)ни ташкил этувчи *böse*-сифат лексема инсон характеристига хос салбий ва ижобий хусусиятларни ифодаламокда. Бундан ташқари худди шу ЛСГга оид *zornig* каби маънодошни ҳам келтириш мумкин. Синонимик қаторни ташкил қилган *zornig* сифат лексемаси кенг кўлламилидир. Уларнинг фаол қўлланиши кўпроқ бадиий ва публицистик услубларда кузатилади.

Айтиш мумкинки, синонимик қаторни ташкил қилган: *gut-großartig, mutig-tapfer, arbeitsam-fleißig, böse-zornig, ideal-herzlich, angstlich-furchtbar* ва ҳокозолардан бирининг ўрнига иккинчисини ҳар доим ҳам қўллаб бўлмайди: *arbeitsame Ameise-fleißige Ameise – тиришиқоқ, меҳнаткаш чумоли; böse Löwe-zornige Löwe – тажовузкор арслон, angstliche-furchtbare Hase – қўрқоқ қуён ва ҳ.к. Кўринадики, тиришиқоқчумоли, жаҳлдор арслон* каби бирикмалар маъносидаги услубий хатоликни юзага келтиради.

Инсон характеристига хос сифат лексемаларнинг воқеланишида метафоралашган зоонимлардан ҳам кенг фойдаланиш кузатилади: *schlaue Fuchs-айёр, blinde Kuh-аҳмоқ, treue Wolf-вафодор, Hasenfuß-номард* ва ҳ.к.

*Ich und du, blinde Kuh, und das ganze Volk macht Muh, rief er* (A.Segehrs).

Ўзбек тилида ҳам сифат категориясига хос сўзлар бирор нарса-предмет, воқеа-ҳодиса ва ҳолатнинг белгиси (ранг-туси, ҳажми, шакли, характеристи, вазни, қиёфаси, хулқ-атвори) ифодалаш учун хизмат қиласиди. Масалан, инсон характеристига хос сифат лексемалар шулар жумласидандир: *абжир, ажойиб, бечора, билармон* ва ҳ.к.

Аввалроқ таъкидланганидек, сифатлар отлашиш хусусиятига эга. Баъзан иш-ҳаракат белги-хусусиятини аниқлаш учун қўлланиб, равишлик вазифасини ҳам бажаради.

*Зулмкор, албатта, жазосини топади, жаҳаннам оташида ёнади.  
Аллоҳнинг ҳеч бир дўсти зулм ва зулмкорни севмайди* (Хадисдан).

Бадиий адабиётларда сифат лексемалар – метафора, метонимия ва турли стилистик бўёқларни беришда, экспрессив-эмоционал, модаль муносабатларни ифодалашда кўп қўлланилади.

*Бозор шайтоннинг масжиди экан, унда ҳар турли найранглар борки, яхши-ёмонни ажратишга сенинг ҳали мурғак ақлинг ёшлик қиласиди. Болам сен ҳали бу борада ёш ва гўрсан* (Т. Малик).

Кишига хос хусусиятлар унинг бирор аъзоси, гап-сўзи, ўй-нияти, хистуйғуси кабиларни сифатлаш орқали ҳам берилади. Бунда сифатланмиш обьекти кишига боғланган ҳолда ифодаланиши ёки алоҳида ўзи сифатланиши мумкин. *Қўли очиқ одам, очиқ кўнгилли киши, тили ширин аёл,*

*күнгли тўғри одам: Агар сен күнгли тўғри одам бўлганингда, бундай галамисликка йўл қўймасмидинг* (Т. Малик).

Отлашган сифатлар қўчма, эмоционал-экспрессив маъноларида қўлланилиб, аниқловчи вазифасини ўтайди. *Заҳар одам, илон аёл, тилла бола.*

*Хозирча ilon унинг илиқ бағрида, озгина бесаранжомлиги инобатга олинмаса роҳатда дейши мумкин* (Т. Малик).

Сўзларнинг экспрессив-эмоционал ифодаларини кучайтириш, сўз маъноларини бўрттиришда ранг билдирувчи сифатлар, айниқса уларнинг интенсив формаларидан кенг фойдаланилади [2; Б. 18]. Улар кўпинча кучайтирувчи кўмакчилар ўрнида, уларнинг синонимик вариантлари тарзида қўлланилади: *гирт аҳмоқ, қип-қизил аҳмоқ; ашааддий ёлғончи – қип-қизил ёлғончи ва ҳ.к.*

*Паст кетма! Булар гирт пасткаш, сен уларга тенг келма!-деб бақирди Жалил* (Т. Малик).

Ранг билдирувчи аслий сифат лексемалар фразеологизмлар таркибиغا ҳам чукур сингиб кетган: оқ – оқ кўнгил ва ҳ.к.

Эшишишимча, *Миркаримов оқ кўнгил, серҳиммат, қўли очиқ, меҳмондўст, хотамтой одам эканлар, -шундай деб Зоҳид атайн ёлғон айтди* (Т. Малик).

Ўтқир, бузук, суюқ, очиқ, оёқяланг каби сифат лексемалар қўчма маънода киши характер хусусиятини тўғри – денотатив маънода, асл маънода эса нарса-предметнинг белги хусусиятини ифодалаб, лексик омонимияни юзага келтиради.

*Серган, енгил табиатли бўлган бу йигит ўртада бир қингир ўйин бошлиганини фаҳмлаб, кўпам талашиб-тортишишмади* (Т. Малик).

Шуниндек, ювош, вафоли, вафодор, содиқ, ақлли, чаққон, сергак меҳрибон, каби ижобий, тажсовузкор, ёмон, заиф, бузук каби салбий оттенкали сифат лексемалар бир вақтнинг ўзида ҳам инсонга, ҳам ҳайвонларга хос характер-хусусиятларни ифодалаб кела олади:

*Ит вафо, хотин жафо* (Ўзбек халқ мақоли).

*Эй жафокар фалак не ситамлар қилдинг.*

Таъкидлаш мумкинки, инсонлар ва ҳайвонларнинг характер хусусиятини ифодаловчи синонимлар қаторини ташкил қиласиган: *зийрак-хушёр, тажсовузкор-жасалдор, ҳуркак-қўрқоқ* каби лексемаларни инсон характери билан боғлаб бўлмайди: *ҳуркак қиз, ҳуркак бола – қўрқоқ қиз, қўрқоқ бола; тажсовузкор одам – жасалдор одам.*

Қайд этилган синоним жуфтликлар билан ҳайвонларни характерлаш лексик хатоликка йўл қўйилгандек туюлади: *зийрак им – хушёр одам; жасалдор ҳайвон – тажсовузкор ҳайвон.*

*Ҳайвонот оламида делфинлардек меҳрибон ҳайвон бўлмайди – Ҳайвонот оламида делфинлардек оқ кўнгил ҳайвон бўлмайди.*

Хулоса шуни далиллайдики, сифатлар турли лисоний шакллар ҳосил қилиши натижасида мулоқот жараёнида инсон онгидаги турфа когнитив моделлар ясалишига замин яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Самигуллина А. Уменьшительность: лингвокогнитивный подход (на материале английского, немецкого и русского языков): Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. - Уфа, 2003. – С. 23.
2. Ҳамдамова И. Ўзбек тилидаги сифатларнинг маъно турлари ва уларнинг ўзбек тили изоҳли лугатида берилиши: Филол. фан. номз. дисс.... автореф. - Тошкент, 1964. – Б. 24.
3. Duden Band 4. Die Grammatik Herausgegeben vom Wissenschaftlichen Rat der Dudenredaktion: Dr. Matthias Wermke, Dr. Kathrin Kunkel – Razum, Dr. Werner Scholze-Stubenrecht. Dudenverlag Mannheim-Leipzig. - Wien-Zürich, 2005.– 143. - S.
4. Glushak, Vasily Kognitive Grund lagen der Adjektive im Russischen, Deutschen und Litauischen [VerfasserIn] – München, 2002/2017. - S. 123-134.